

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИК ВАЗИРЛИГИ
САМАРҚАНД ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИ**

Агрономия факултети 5620100 –
Агрокимё ва агротупрокшунослик таълим
йўналиши

РЕФЕРАТ

Мавзу: **Қишлоқ хўжалигида агрокимё хизмати фанининг мақсади, вазифаси,
тузилиши ва таркибий қисмлари.**

Бажарди: Болиев Ф.
Текширди: О.М.НАЗАРОВ.

Самарқанд - 2012

Қишлоқ хўжалигида агрокимё хизмати фанининг мақсади, вазифаси, тузилиши ва таркибий қисмлари.

Режа

1. Фаннинг мақсади, асосий вазифалари.
2. Қишлоқ хўжалигида агрокимё хизматининг таркибий қисмлари.
3. Агрокимё хизмати мукамаллаштириш ва такомиллаштириш йўллари.

1. Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг халқ хўжалигининг барча соҳаларидаги каби деҳқончилик соҳасида ҳам янги тизимлар, яъни деҳқон-фермер, агрофирма ва бошқа тизимлар пайдо бўлди. Ўзбекистон ҳукумати деҳқончиликни ривожлантириш учун фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни кенг жорий этиш йули билан кўпроқ деҳқончилик маҳсулотлари етиштириш ҳамда тупроқ унумдорлигини ва маданийлигини оширишга катта эътибор бериб келмоқда.

Мустақил республикада деҳқончилик халқ хўжалигининг етакчи тармоғи ҳисобланади. Шунинг учун ҳам мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш учун бир қатор қонунлар қабул қилинди ва олий мажлис сессияларининг кун тартибига киритилди.

Деҳқончилик қонуниятлари табиат қонунлари жумласига киради. Деҳқончилик илмий асосланган аниқ тизим асосида бошқаришни талаб этилади.

Белгиланган чора – тадбирлар тизимида экинларга минерал ўғитларни қўллаш масалаларига алоҳида эътибор берилди, чунки ўғитлар экинлар ҳосилдорлигини оширишдаги энг кучли воситадир. Аммо, экинлар ҳосилдорлиги тупроққа киритиладиган ўғитларнинг яппи миқдори билан эмас, балки улардан оқилона фойдаланиш ҳисобига оширилади. Бу ўринда ўғит қўллаш тизимини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Чунки, Республикада 4,280 млн. гектар майдонга деҳқончилик қилинади. Бу далаларига ўғитлардан унумли фойдаланиш юқори ва сифатли маҳсулот етиштириш давр талаби ҳисобланади.

Ўғитлардан фойдаланиб қишлоқ хўжалиги экинларидан юқори ҳосил етиштиришда ўсимликларнинг биологик хусусиятларини билиш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экишни тўғри ташкил этиш, агрокимёвий ҳаританомадан унумли фойдаланиш каби тадбирлар муҳим аҳамиятга эга.

Қишлоқ хўжалигида етиштирилаётган экинларга ўғит меъёрларини белгилашда илмий – тадқиқот институтларида амалга оширилаётган тажрибаларнинг натижаларидан ва ишлаб чиқариш илғорларининг ютуқларидан самарали фойдаланиш зарур.

Албатта бу борада бир қатор ишлар амалга оширилди, лекин, ўтган давр ичида ўғиттурлари тубдан ўзгарди, сифати яхшиланди, тупроқ хусусиятларида сезиларли силжишлар рўй берди, экинларнинг озик элементларига талабчан ва юқори ҳосилли навлари яратилди, қайсики, ўғитлаш тизимида маълум бир тузатишлар киритишни тақозо қилади.

Суғориладиган деҳқончилик шароитида ўғит қўллаш тизимининг ривожланиши Д.Н.Прянишников, Л.И.Голодковский, Н.К.Балябо, А.Кудрин, В.И. Цивинский, М.А. Белоусов, И.И. Мадраимов, П.В. Протасов, Н.П. Малинкин, И.Н. Ниёзалиев, Т.П. Пирохунов, Б.И. Исаев, Ж.С. Сатторов, Эргашев. Х.Т, Рискиева, Самарқанд

қишлоқ хўжалик институти олимлари Ф.Х.Ҳошимов, К.М.Мўминов каби бир қатор таниқли агрокимё соҳасининг етук олимларининг номлари билан бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги даврда республикамизда ўғит қўллаш тизимини янада ривожлантириш учун барча шарт-шароитлар мавжуд бўлиб, суғориладиган деҳқончилик шароитида қатор ораларига ишлов бериладиган экинларни етиштирилиши, деҳқончиликни минерал ўғитлар билан таъминлаш учун имкониятларнинг мавжудлиги, ўсимликларни озиқланиш масалалари билан шуғулланувчи илмий муассасаса ва ходимларнинг етарлилиги шулар жумласидандир.

Ўсимликка етарли даражада ўсиш учун зарур бўлган шароит ва озиқалар билан таъминланганда юқори ҳосил бериш хусусиятига эга бўлади. Лекин Республикамизда деҳқончилик қилинаётган майдонларнинг 30 фоизи ҳар хил даражада деҳқончиликка яроқсиз ҳолатда. Бундан ташқари ўғитларни нотўғри қўлланиши эвазига тупроқ шурланиши пайдо бўлмоқда. Ўғит қўллаш тизими шу ҳолатни ўрганиб ҳар бир шароит учун алоҳида тадбирлар, ўғит меъёрлари ишлаб чиқиб ўғит тури, ўғитлаш муддати ва усуллари белгилаб юқори ҳосилдорликка эришиш тадбирларини ишлаб чиқади.

Пахтачиликни ривожлантиришнинг ўлкан режасини белгилаб берди. Ўнинчи беш йилликда мамлакатимизда йиллик пахта етиштириш ҳажмини ҳосилдорликни ошириш йўли билан амалга оширилади. Тўққизинчи беш йиллик мобайнида пахтанинг ўртача йиллик ҳосилдорлиги саккизинчи беш йилликка нисбатдан 13 %дан зиёдроқ кўтарилди.

Унинчи беш йилликда пахтачиликни тараққий еттиришнинг асосий йўналишлари ғўза-беда алмашлаб экишни поёнига етказишдан, касалликларга бардошли, толаси юқори сифатли ғўза навларини фермер хўжаликларда жорий етиш, ғўзани парвариш қилиш.

Суғориш ва йиғим-теримни механизациялаш даражасини юксалтиришдан иборат бўлади.

Ўзбекистон - мамлакатнинг энг йирик пахтакор районларидан бири. 1980 йилга бориб республика хўжаликларда пахта етиштириш ҳажмини ошириб бориш, Қарши чўлида ингичка толали пахта етиштиришга ихтисослаштирилган янги йирик туман барпо етиш мўлжалланмоқда, Жиззах чўлини ўзлаштириш ишлари авж олдириб юборилади.

Бошқа пахтакор республикаларда ҳам тобора кўп дурдона етиштирилади. Чунончи, 1980 йилга бориб Туркманистон пахта етиштиришни 1,2 миллион тоннага Тожикистон 900 минг тоннага, Озарбайжонда 600 минг тоннага етказиш мўлжалланади. Пахта етиштириш ҳажми Қозоғистон ва Қирғизистонда ҳам кўпайтирилди.

1964 йилгача қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига агрокимёвий хизмат кўрсатишни қишлоқ хўжалигининг ишлаб чиқариш бошқармасининг туман агрокимёвий лабораторияси олиб борди.

1964 йилдан бошлаб Собиқ СССР да ҳукумат қарорига мувофиқ қишлоқ хўжалигида ягона давлат агрокимёвий хизмати ташкил этилди. 1980 йилда 206 та

ЗАЛ ташкил этилди. Ўзбекистонда 12 та ЗАЛ (зонал агрокимёвий лаборатория) ташкил этилди.

Агрокимёвий хизмат мамлакатимизда тармоқланган агрокимёвий лабораториялари бўлган ягона марказлашган илмий-услубий қўлланмага ҳисобланади.

Қишлоқ хўжалигидаги агрокимё хизмати қуйидаги звенолардан ташкил топган :

1. Қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўйича давлат ишлаб чиқариш илмий бирлашмаси.
2. Вилоятлардаги, ўлкалардаги, мухтор жумҳуриятларидаги қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўйича ишлаб чиқариш бирлашмаси. (қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш).
3. Қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўйича туман (туманлараро) ишлаб чиқариш бирлашмаси.
4. Илмий-текшириш ташкилотлари, қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни лойиҳалаштириш станциялари жумҳурияти, вилоят ўлка зонал агрокимёвий лабораторияси.
5. Кимёлаштириш хўжалик пунктларидан иборат эди.

Республикаимиз мустақилликка эришган Президентимиз И.Каримов фармони билан ЎзАгрокимётаъминот бирлашмасига айлантирилди ва унинг барча тармоқлари янги бирлашма ихтиёрига берилди.

Давлат (мамлакат) агрокимёвий хизмати:

- Хўжаликлар ерларини агрокимёвий ҳолатини текшириш.
- Тупроқ, ўсимлик ва ўғитни керакли оммавий анализларини бажаради.
- Ўғитларни рационал қўллаш бўйича тавсияномалар ишлаб чиқиш.
- Тайёрланаётган ем -хашакларнинг озиқа қийматини аниқлайди.
- Ем-хашакларни ишлатиш бўйича хўжаликларга керакли тавсиялар беради.
- Хўжаликларда ўғитлар ва кимёвий мелиорациялаш воситаларини тўғри қўлланишини назорат қилади.
- Қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган ўғитлар ва бошқа кимёвий моддаларни сифатини аниқлаш.
- Қишлоқ хўжалигини кимёлаштиришни иқтисодий самарадорлигини аниқлайди.
- Арбитраж анализларни бажаради.
- Қишлоқ хўжалагига юбориладиган минерал ўғитлар ва кимёвий мелиорантлар сифатини назорат қилади.

1974 йилдан бошлаб атроф муҳитни ва ҳосилни пестицидлар билан ифлосланишини назорат қилиш системасини ишлаб чиқдооқда.

Агрокимёвий хизмат кўрсатиш ЗАЛ қуйидаги бўлимларни ўз ичига олади:

- 1) Агрокимёвий текшириш.
- 2) Ўғитлар билан дала тажрибаси қўйиш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш.
- 3) Ёпиқ грунт билан ишлаш бўлими.
- 4) Ем-хашак ва ўсимлик маҳсулоти сифатини баҳолаш.
- 5) Иқтисодий текширишлар.

6) Лойиҳалаш-смета бўлими.

7) Қишлоқ хўжалиги радиологияси ва таксикологияси.

8) Картографик гуруҳ

Зонал агрокимёвий лабораториялар (ЗАЛ) анализларини 5 йилда бир марта Ўрта Осиёнинг лалмикор ерларида эса 6-8 йилда бир марта ўтказди. Бунда намуналар қуйидагича олинади.

1- намуна – 1тадан 10-24 гектардан олиниб 18-20 индивидуал намунадан иборат бўлади. Лаборатория шароитида қуйидаги анализлар олинади.

1. Ҳаракатчан фосфор.

2. Алмашинувчи калий.

3. Чиринди

4. Кислоталик

5. Азот

6. Сингдирилган асослар йиғиндиси.

Агрокимёвий лаборатория қуйидаги асосий ишларни бажаради:

- Қишлоқ хўжалик ерларини агрокимёвий текшириш .
- Тупроқ, ўғит ва ўсимликни оммавий анализ қилиш.
- Ўғитларни самарадорлигини ўрганиш бўйича дала тажрибаларини ўтказиш ва уларни хўжаликда рационал ишлатиш бўйича тавсиянома бериш.
- Тайёрланаётган ем-хашакларни озиқа қимматини анализ қилиш. *
- Ўғитларни тўғри ишлатишни ва тупроқ мелиорацияси воситаларини назорат қилиш.

- қишлоқ хўжалигида қўлланилаётган ўғитлар сифатини аниқлаш.
- Ўғитларни қўллашни икдисодий самарадорлигини аниқлаш.
- Қишлоқ хўжалик ерларини агрокимёвий текшириш ўғитлар билан қўйилган дала тажрибаси маълумотларини умумлаштириш.

Лаборатория анализлари натижасида тупроқ картаси тузилади. Тупроқкартаси: 1:25 000, 1:10 000, 1:5 000, 1: 2 000 масштабда бўлади. Тупроқ харитасидан ташкари хўжалик тупроқларининг.

1) агрокимёвий Хаританом

2) агрокимёвий очерк тузилади ва шу асосида тупроқларнинг агрокимёвий ҳарактеристикаси берилади ва ўғитлар қўллаш тўғрисида тавсиянома берилади.

Ҳосилни ҳисоблаш, тупроқди, ўсимликни анализ қилиш, олиб чиқишни аниқдаш тупроқни агрокимёвий кўрсаткич билан ўғит самарадорлиги ўртасидаги боғлиқликни аниқлайди. Битта ЗАЛ бир йилда 25-30 та дала тажрибалари ўтказилади.

Қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш марказий институти 1969 йилда Марказий назорат агрокимёвий лабораторияси базаси ташкил этилди.

Агрокимёвий хизмат кўрсатишнинг энг яхши формаси ихтисослаштирилган бўлимлар ҳисобланади. Улар бевосита кобул қилиш, сақлаш, мўлжалланган жойга олиб бориш, тупроққа минерал ўғитларни қўллаш, қолган ўғитларни тайёрлаш ва қўллаш, кимёвий мелиорация ва ўсимликларни химоя қилиш воситаларини қўллаш билан шуғулланади. Бундай бўлинмаларга

механизациялаштирилган унумдорлик отрядлари: хўжалик ва хўжаликлараро кимёлаштириш пунктлари: кишлоқ хўжалик авиацияси: кишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизмат кўрсатиш бўйича туман ишлаб чиқариш бирлашмаси, хўжаликлар ишлаб чиқариш бригадалари ва бўлимлари мисол бўлади.

ХЎЖАЛИКНИНГ АГРОКИМЁВИЙ МАРКАЗИ.

Хўжаликнинг химизация пунктида механизациялашган (тарозилар ва ўғит аралаштиргич қурилмалари мавжуд) омбор бўлиши керак. Химизация пунктининг асосий вазифаси қуйидагилардан иборат.

- минерал ва маҳаллий ўғитлардан шунингдек , ўсимликларни химоя қрлиш воситаларидан самарали фойдаланишини таъминлаш.
- ўғит аралашмалар ва захарли дорилар эритмаларини тайёрлаш
- ўғитлар солиш, экинларни гербицидлар ва захарли препаратлар билан дорилаш.
- ЗАЛ мутахассислари раҳбарлигида, ўғитлар устида дала шароитида тажрибалар ўтказиш.
- Хўжаликнинг ўғитларга бўлган эҳтиёжини аниқлаш.
- Келтирилаётган ўғитларни ҳисобга олишни ҳамда улардан тупроқларнинг агрокимёвий таърифи ва пландаги ҳосилга қараб экинлар ва далаларда фойдаланишни ташкил қириш.

Хўжаликдаги химизация пунктида агрохимия хизмати системасининг сўнги ишлаб чиқариш звеноси ҳисобланади.

Химизация пункти хўжалик ичидаги ихтисослашган бўлинма ҳисобланиб, ўғитларни тақсимлаш, қабул қилиш, саклаш, таёрлаш ва далаларга етказиб бериш вазифаларини бажаради. Ўғитларни агрохимия картограммалари асосида ўз вақтида ҳамда табақалаштириб ишлатилиши устидан назорат қилиш ҳам пункт вазифасидир.

Ерга солинган ҳар килограмм азот ҳисобига 10,4-13,5 кг дан пахта олинди. Шуни қайд қилиш ўринлики, Ўзбекистон хўжаликларида азотли ўғитлардан энг унумли фойдаланилди. Чунончи, 1976 йили ҳар 1кг азот ҳисобига Ўзбекистонда 13,5кг, Тожикистонда 11,0 ва Туркманистонда 10,5 кг дан пахта олинди.


Ўзбекистон хўжаликларда ўғитларни қўлланиш тажрибасида Ўрта Осиёнинг бошқа республикаларида ундан янада самаралироқ фойдаланишга имкон берадиган раел резервлар мавжудлигини кўрсатади. Ўғитлардан самарали фойдаланиш кўп жиҳатдан улардаги озик моддаларнинг илмий асосдаги нисбатини ҳамда тупроқларнинг агрохимиявий таърифини аниқлашга боғлиқ.

Ўғитларнинг йиллик нормаларида азот, фосфор, калийнинг нисбатини фосфорни ошириш ҳисобига яхшилаш Ўзбекистон хўжаликларида ҳосилнинг кўпайишига ҳамда ҳар 1 тонна пахтага қилинадиган сарфларнинг камайишига ижобий таъсир кўрсатди. Агар 1967-1969 йиллари ҳар гектар ерга 217 кг азот, 106 кг фосфор ва 22 кг калий ишлатилганда 1 тонна пахтага 89 кг азот сарфланган бўлса, 1973-1976 йиллари 225 кг азот, 135 кг фосфор ва 39 кг калий ишлатилганда 1 тонна пахтага азот сарфи 75 кг гача камайди.

Шундай қилиб, *хўжаликда агрокимё хизмати* дейилганда – комплекс ташкилий – хўжалик, агротехникавий ва агрокимёвий ишлар, яъни маълум тупроқ– иқлим

шароитида маҳаллий ва минерал ўғитларни тўплаш, сақлаш ва улардан самарали фойдаланиб, тупроқ унумдорлигини ошириш ва қишлоқ хўжалик экинларидан юқори сифатли ҳосил етиштириш тушунилади. **Хўжаликда агрохимё хизмати** хўжаликда деҳқончилик тизимининг таркибий қисми ҳисобланади:

Хўжаликда ўғитлаш тизими қўйидаги тузилишда бўлади:




Ўғитларни қўлланишга оид кўп йиллик амалий ишлар натижасида уларни агрохимия асосидаги дозаларда ишлатиш ва тупроқдаги миқдорига ҳамда планлаштирилган ҳосилга қараб озик моддалар бўйича мослаштириш (баланслаш) мақсадга мувофиқ эканлиги маълум бўлди.

Ўрта Осиё республикалари колхозлари ва совхозларида химизация воситаларидан самарали фойдаланишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида 1964 йили 20 та, шу жумладан Ўзбекистонда 12 та зонал агрохимия лабораториялари барпо қилинди. Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркманистондаги

“Ўзқишлоқхўжаликкимё” давлат акциядорлик
компанияси ижро этувчи апаратининг


ТУЗИЛМАСИ.



Хисоб — 31 киши

Зарурят тўлган таъдирда, “Ўзқишлоқхўжаликкимё” компанияси ижро апарати тузилмаси, кўради Маълумотнинг 1.07.2003 йилдаги 3 сонли қарори асосида белгиланган 31 киши доирасида тартирлаш мумкин.

“Ўзқишлоқхўжаликкимё” давлат акциядорлик компаниясининг
ТУЗИЛМАСИ



* Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда чигиртка, тут парвонаси ва ўта хавфли кенирўқчаларга қарши кураш экспедициялари очилмоқда.

** биологик маҳсулот билан таъминлайди ва методологик хизмат кўрсатади.

зонал агрохимия лабораториялари илмий-методик раҳбарлик қилиш иши Қишлоқ хўжалигига агрохимия хизмати кўрсатиш марказий институтининг Тошкентдаги филиалига юкланади.

Ана шу республикаларнинг зонал агрохимия лабораториялари томонидан тупроқларни текшириш ишларининг икки давраси тугалланди ва айни пайтда учинчиси олиб борилмоқда. Тупроқларни агрохимия жиҳатидан текширишлар ва колхоз-совхоз далаларида ўтказилган тажрибалар натижасида кўплаб минерал тўпланган ҳозирги вақтда тупроқ-ўсимлик системасида ўғитларнинг таъсирини ўрганиш даражаси анча кўтарилди, Ўрта Осиё зонал агрохимия лабораторияларининг ўн йилдан зиёд иш фаолиятини яқунлаш пайти келди. Бундай яқунлашнинг амалий аҳамияти шундаки, у агрохимиявий тадқиқотларнинг натижаларини ва ўғитлар устида дала шароитида олиб борилган тажрибаларга оид маълумотларни муаян системага солишга қаратилгандир.

Республикадаги агрохимия лабораториялари ўғитларни қўлланишнинг оптимал планларини тузиб чиқишда қишлоқ хўжалик мутахассисларига амалий ёрдам кўрсатади. Бунда уларнинг самарадорлигини аниқлайдиган омиллар ҳисобга олинади. Бундай планлар эндиликда иқтисодий математика усуллари ва электрон-ҳисоблаш техникасини қўлланган ҳолда ишлаб чиқилмоқда.

Ўғитларнинг тақсимотини такомиллаштиришга оид таклифларни ишлаб чиқиш масалалари олимларнинг диққат марказида бўлмоғи керак. Фан ва техниканинг ҳозирги замон тараққиёт даражаси бу жараёни автоматлаштиришни агрохимиявий картограммаларнинг кўрсаткичларига қараб ўғитларнинг тақсим қилинишини электрон - ҳисоблаш машиналари воситасида программалаш зарурлигини таъкидлаётди.

Мазкур умумлаштирилган материал пахтачиликда ўғитлардан фойдаланишни асосий равишда планлаштиришга имкон беради ва Ўрта Осиё республикалари қишлоқ хўжалигини химиялаштиришга оид ҳозирги ҳамда келажакдаги масалаларини ҳал қилишда илмий асос бўлиб хизмат қилади.